ИНСОН АЪЗОЛАРИ ВА ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ: ЖК 133²-МОДДАСИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мухиддинов Бобур Ҳикмат ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.24030496

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 133²-моддасида назарда тутилган инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзолари ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш жиноятининг объектив томони, тугалланиш пайти ва амалиётдаги қўлланиш муаммолари таҳлил қилинган. Суд амалиёти мисолида донорнинг ўзини аъзосини хорижда олиш мақсадида чет давлатга олиб чиқиш схемаси амалдаги норма доирасидан ташқарида қолиши мумкинлиги кўрсатиб берилган. БМТ, Европа Кенгаши ҳужжатлари ва Истанбул декларацияси асосида донорнинг чет давлатга чиқишини ташкил этишни ҳам қамраб олувчи норма модели ва квалификацияловчи белгилар тизими таклиф этилган.

Калит сўзлар: трансплантация, трансмиллий жиноятчилик, трансплантация туризми, аъзони олиб чиқиш, жиноятнинг тугалланиш пайти, суиқасд, одам савдоси, донор, воситачилик.

Аннотация. В статье анализируются объективная сторона, момент окончания и проблемы применения статьи 133² Уголовного кодекса Республики Узбекистан о вывозе трансплантируемых органов и (или) тканей человека за пределы Республики Узбекистан. На примерах судебной практики показано, что схема вывоза самого донора за рубеж для изъятия органа там может остаться за пределами действующей нормы. На основе документов ООН, Совета Европы и Стамбульской декларации предложены модель нормы, охватывающей организацию выезда донора за границу, и система квалифицирующих признаков.

Ключевые слова: трансплантация, транснациональная преступность, трансплантационный туризм, вывоз органа, момент окончания преступления, покушение, торговля людьми, донор, посредничество.

Abstract. The article analyses the objective element, the moment of completion and the application problems of Article 133² of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan on exporting transplantable human organs and (or) tissues out of the country. Using court cases, it shows that sending the donor abroad so that the organ is removed there may fall outside the current provision. Drawing on UN and Council of Europe instruments and the Declaration of Istanbul, the author proposes a model provision that also covers organising a donor's departure abroad, together with a system of aggravating elements.

Keywords: transplantation, transnational crime, transplant tourism, export of organs, completion of crime, attempt, human trafficking, donor, brokering.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Кириш

Инсон аъзоларининг ноқонуний айланмаси бугун кўп ҳолларда давлат чегарасидан ташқарига чиқадиган ҳодисадир. Донор бир мамлакатда топилади, ҳужжатлар иккинчисида расмийлаштирилади, операция эса учинчи давлатдаги клиникада ўтказилади. Ҳали 2007 йилдаёқ Ж. Шимазоно Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бюллетенида эълон қилинган тадқиқотида халқаро аъзолар савдоси кўламини баҳолаб, унинг асосан бой мамлакатлардан келган реципиентлар ва камбағал мамлакатлардаги донорлар ўртасидаги оқим сифатида шаклланганини кўрсатган эди[1].

Халқаро ҳамжамият бу таҳдидга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси 2024 йилда аъзоларни олиш мақсадида одам савдоси ва инсон аъзолари савдосининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган махсус резолюция қабул қилди[2]. Ўзбекистонда эса трансчегаравий айланмага қарши асосий жиноят-ҳуқуқий восита Жиноят кодексининг 133²-моддаси ҳисобланади. Мақолада ушбу норманинг мазмуни, қўлланиш муаммолари ва такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинади.

133²-модданинг мазмуни ва тугалланиш пайти

133²-модда "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга кўра трансплантация қилинадиган аъзо ва тўқималарни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга йўл қўйилмайди[3]. Қонун чиқарувчи бу ҳаракатни алоҳида криминаллаштириш орқали трансмиллий айланмани эрта босқичда тўхтатишни мақсад қилган, зеро халқаро амалиётда чегара орқали олиб чиқиш аъзолар савдосининг энг хавфли бўғинларидан бири ҳисобланади.

Бироқ диспозицияда жиноят қайси пайтдан тугалланган ҳисобланиши аниқ кўрсатилмаган. О.С. Хорошилова таъкидлаганидек, жиноятнинг тугалланиш пайтини тўғри аниқлаш тугалланган ва тугалланмаган жиноятни ажратишнинг асосий шартидир; формал таркибли жиноятларда бу пайт қонунда кўрсатилган ҳаракат содир этилган вақт билан белгиланади[4]. А.Г. Безверхов эса қонун чиқарувчи ҳуқуқий неъматни эртароқ муҳофаза қилиш зарур бўлган ҳолларда тугалланиш пайтини олдинги босқичга кўчириши мумкинлигини қайд этади[5].

Бизнингча, амалдаги конструкция сақланган тақдирда, жиноят инсон танасидан ажратилган аъзо ёки тўқима давлат чегарасидан амалда олиб ўтилган пайтдан тугалланган деб ҳисобланиши лозим. Аъзони тайёрлаш, қадоқлаш, ҳужжатлаштириш ёки ташишни ташкил этиш ўз-ўзидан "олиб чиқиш" эмас; уларнинг ҳуқуқий баҳоси айбдорнинг қасди ва ҳаракатларнинг хусусиятига қараб тайёргарлик ёки суиқасд сифатида белгиланади. Чегарадан олиб ўтиш бошланган, бироқ айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмаган ҳолат эса суиқасд сифатида квалификация

---

[1]Shimazono Y. The state of the international organ trade: a provisional picture based on integration of available information // Bulletin of the World Health Organization. – 2007. – Vol. 85, iss. 12. – P. 955–962.

[2]United Nations General Assembly. Strengthening and promoting effective measures and international cooperation on organ donation and transplantation to prevent and combat trafficking in persons for the purpose of organ removal and trafficking in human organs: resolution adopted by the General Assembly. – 2024. URL: https://digitallibrary.un.org/record/4071809.

[3]Ўзбекистон Республикасининг "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Қонуни, 11.05.2022 йилдаги ЎРҚ-768-сон. URL: https://lex.uz/docs/6001286.

[4]Хорошилова О.С. Классификация составов преступлений по моменту окончания преступления // СибСкрипт. – 2015. – №2-2 (62).

[5]Безверхов А.Г. О проблеме конструирования составов преступлений по моменту окончания // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия: Право. – 2012. – №1.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

қилиниши мумкин. Бу чегараларни қонун ёки Олий суд Пленуми қарорида аниқлаш квалификацияда бир хилликни таъминлайди.

Суд амалиёти: аъзо эмас, донор чегарадан ўтганда

Ўрганилган суд амалиёти норманинг энг жиддий бўшлиғини очиб беради. Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанцияси кўрган ишда судланувчи иқтисодий қийинчиликда бўлган фуқарони чет давлатда буйрагини пул эвазига беришга кўндирган, уни реципиентнинг қариндоши сифатида кўрсатиш учун сохта туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тайёрлаган ва донорни Тожикистондаги клиникага юборишга ҳаракат қилган. У тезкор тадбир натижасида ушланган, ҳаракатлари эса ЖК 25-моддаси, 133[1]-моддаси иккинчи қисми ва ҳужжат сохталаштиришга оид моддалар билан квалификация қилинган[6].

Бошқа ишда судланувчилар олдиндан тил бириктириб, ижтимоий тармоқ орқали иқтисодий жиҳатдан қийналган шахсни буйрагини 8 000 АҚШ доллари эвазига беришга кўндирган, сохта туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тайёрлаган ва донорни аввал Қозоғистон, сўнг Туркия ҳудудига олиб чиқишни режалаштирган пайтда ушланган[7].

Иккала ишда ҳам 133[2]-модда қўлланилмаган. Сабаб тушунарли: давлат чегарасидан ўтиш пайтида аъзо ҳали донор организмининг ажралмас қисми бўлиб, формал жиҳатдан "аъзони ташқарига олиб чиқиш" содир этилмаган. Ҳолбуки, ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан бу схема аъзони мамлакатда ажратиб олиб, кейин чет элга чиқаришдан кам эмас, балки донор учун ундан ҳам хавфлироқдир: операция назоратсиз хорижий клиникада, донорнинг ҳуқуқий ҳимоясиз шароитида ўтказилади. Натижада амалдаги норма тақиқни четлаб ўтишнинг нисбатан қулай йўлини очиқ қолдиради.

Шу билан бирга, донорни чегарадан олиб чиқишни "аъзони олиб чиқиш" деб кенгайтирувчи талқин қилиш ҳам мақбул эмас, чунки бу жиноят қонунининг аниқлиги талабига зид келади. Илмий адабиётда ҳам трансплантация соҳасидаги жиноятларни фақат аъзони бевосита олиш билан боғлиқ таркиблар орқали қамраб олиш етарли эмаслиги, ноқонуний эгаллаш, сақлаш, ташиш ва жўнатиш каби ҳаракатларни ҳам криминализация қилиш зарурлиги таъкидланган[8]. Демак, бу бўшлиқни фақат қонун чиқарувчи ёпиши мумкин.

Халқаро стандартлар ва трансплантация туризми

Халқаро ҳуқуқда "инсон аъзолари савдоси" ва "аъзоларни олиш мақсадида одам савдоси" бир-биридан фарқланади. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси тўғрисидаги протоколда аъзоларни олиш одамдан фойдаланиш шаклларидан бири сифатида эътироф этилган; БМТнинг Жиноятчилик ва гиёҳвандлик бўйича бошқармаси ҳам бу икки тушунча турли ҳуқуқий механизмлар орқали тартибга солинишини алоҳида таъкидлайди[9]. Аъзолар савдоси ва трансплантация туризми тўғрисидаги Истанбул

---

[6]Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ажрими. Иш рақами: 1-1807-2501/93. URL: https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[7]Жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман суди. Иш рақами: 1-1310-2501/62. URL: https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[8]Зиядова Д.З., Гафурова З.К. Уголовно-правовые аспекты профилактики преступлений, связанных с незаконной трансплантацией // Право: история и современность. – 2024. – №2; Фабрика Т.А. Пути совершенствования уголовного законодательства в области трансплантации // Вестник ЧелГУ. – 2007. – №2.

[9]United Nations Office on Drugs and Crime. Trafficking in persons for the removal of organs and related conduct: Background paper prepared by the Secretariat. Vienna, 8–9 July 2024. CTOC/COP/WG.4/2024/2. URL: https://www.unodc.org/documents/treaties/WG_TIP_2024/2/CTOC_COP_WG.4_2024_2_E.pdf.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

декларацияси эса учинчи ҳодиса – трансплантация туризмини алоҳида ажратиб, донор ёки реципиентнинг аъзо савдоси мақсадида чет давлатга боришини ноқонуний айланманинг мустақил кўриниши сифатида баҳолайди[10].

Европа Кенгашининг Инсон аъзолари савдосига қарши конвенцияси ноқонуний олинган аъзоларни тайёрлаш, сақлаш, ташиш, топшириш ва қабул қилишни, шунингдек донор ва реципиентни манфаат эвазига жалб қилишни криминализация қилишни назарда тутади[11]. Швейцария қонунчилигида эса аъзолар савдоси учун жавобгарлик муайян ҳолларда хорижда содир этилган қилмишларга ҳам татбиқ этилади[12]. Бу экстерриториал ёндашув трансплантация туризмига қарши курашнинг муҳим воситасидир.

Миллий қонунчиликда ҳам бу йўналишда муҳим қадам қўйилган: 2022 йилдаги ўзгартишлар билан одам савдоси ва одам ўғирлаш учун жавобгарлик белгиловчи ЖК 135 ва 137-моддаларида инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсади жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган[13]. Бироқ бу нормалар жабрланувчи эркинлигидан маҳрум қилинган ёки эксплуатация қилинган ҳолатларни қамраб олади. Донор "ихтиёрий" равишда, пул эвазига хорижга юборилган ҳолатлар эса улар доирасидан ташқарида қолади.

Норма модели ва квалификацияловчи белгилар

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, амалдаги 133²-моддани "Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзолари ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига қонунга хилоф равишда олиб чиқиш" деб номланган янги норма (тизимли қайта рақамлаштиришда – 115⁴-модда) сифатида шакллантириш таклиф этилади. Унинг диспозициясида иккита мустақил ҳаракат назарда тутилиши лозим:

> "Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзолари ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, шунингдек инсондан аъзо ва (ёки) тўқимани қонунга хилоф равишда олиш ёхуд уни ноқонуний айланмага киритиш мақсадида шахснинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишини ташкил этиш, – ..."

"Ташкил этиш" тушунчасини ҳам ҳаддан ташқари кенг талқин қилмаслик керак. Қонуний тиббий сафарлар, жумладан беморнинг хорижда даволаниши ёки қонуний донорликда иштирок этиши жиноий бўлмаслиги шарт. Шу сабабли нормада ҳал қилувчи белги – аъзони қонунга хилоф равишда олиш ёки уни ноқонуний айланмага киритиш мақсадидир. Ушбу мақсад исботланмаган ҳолда сафарни ташкил этишнинг ўзи жиноий жавобгарликка асос бўлмайди.

Трансчегаравий айланмада донорни топувчи, уни хориждаги манфаатдор шахслар билан боғловчи воситачи, ҳужжат тайёрловчи ва сафарни ташкил этувчи шахслар ягона жиноий мақсадга хизмат қилади. Шу боис норманинг иккинчи қисмида қилмишни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; хизмат мавқеидан фойдаланиб; қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган

---

[10]The Declaration of Istanbul on Organ Trafficking and Transplant Tourism (2018 Edition). URL: https://www.declarationofistanbul.org/images/documents/doi_2018_English.pdf.

[11]Council of Europe Convention against Trafficking in Human Organs. Santiago de Compostela, 25 March 2015. CETS No. 216. URL: https://www.coe.int/en/web/trafficking-human-organs/the-convention.

[12]Federal Act on the Transplantation of Organs, Tissues and Cells (Transplantation Act) of 8 October 2004. URL: https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/2007/279/en.

[13]Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 23 июндаги ЎРҚ-780-сон Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. URL: https://lex.uz/acts/111453.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

ҳолда; вояга етмаган шахсга нисбатан; айбдорга моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан; манфаат эвазига воситачилик қилиш орқали содир этиш квалификацияловчи белгилар сифатида, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этиш эса алоҳида квалификацияловчи белги сифатида назарда тутилиши мақсадга мувофиқ. Юқорида келтирилган суд ишларида айнан гуруҳий тил бириктириш ва сохта туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалардан фойдаланиш кузатилгани бу таклифнинг амалий асосини ташкил этади.

Хулоса

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, амалдаги 133^2-модда фақат инсон танасидан ажратилган аъзо ёки тўқиманинг давлат чегарасидан олиб ўтилишини қамраб олади. Ҳолбуки, суд амалиётида кузатилаётган асосий схема – донорнинг ўзини аъзосини хорижда олиш мақсадида чет давлатга юборишдир ва бу ҳолат норманинг сўзма-сўз мазмунидан ташқарида қолади. Бундан ташқари, диспозицияда жиноятнинг тугалланиш пайти аниқ белгиланмагани тайёргарлик, суиқасд ва тугалланган жиноятни ажратишда турли талқинларга сабаб бўлмоқда.

Шу боис қуйидагилар таклиф этилади: биринчидан, жиноят ажратилган аъзо давлат чегарасидан амалда олиб ўтилган пайтдан тугалланган ҳисобланишини Олий суд Пленуми тушунтиришида аниқ белгилаш; иккинчидан, диспозицияга аъзони қонунга хилоф олиш ёки ноқонуний айланмага киритиш мақсадида шахснинг чет давлатга чиқишини ташкил этишни мустақил ҳаракат сифатида киритиш; учинчидан, гуруҳий, уюшган, хизмат мавқеидан фойдаланиб, қалбаки ҳужжатлар орқали ва заиф шахсларга нисбатан содир этилган ҳолатлар учун жавобгарликни дифференциация қилиш. Бу ўзгаришлар миллий қонунчиликни Европа Кенгаши конвенцияси ва Истанбул декларацияси ёндашувларига яқинлаштиради ва трансплантация туризмига қарши самарали жиноят-ҳуқуқий тўсиқ яратади.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.